

2012-1

Вояга етмаганнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги сабабли, суд қарорлари бекор қилиниб, иш қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2010 йил 26 мартдаги ҳукмига кўра, Э. Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан Жиноят кодексининг 85-моддаси тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 30 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра вояга етмаган Э. Ҳ. билан ўзаро жинойий тил бириктириб, Ҳ. томонидан сақлаб келинган «опий» гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда сотиш мақсадида 2009 йил 2 март куни соат 15 ларда Шўрчи туман «Мустақиллик» кўчасида жойлашган «Бобоқулой» номли ошхонаси ичида, тезкор тадбирга жалб қилинган Ш.га 10 грамм деб 14,5 грамм кўп миқдордаги «опий» гиёҳвандлик моддасини 100.000 сўмга сотишган вақтида ушланганлар.

Суд кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра Ҳ.дан олинган модда «Опий» гиёҳвандлик моддаси бўлиб, унинг соф вазни 14 грамм 500 мл. граммни ташкил қилишлиги кўрсатилган.

Республика Бош прокурорининг ўринбосари томонидан билдирилган протестда Э.нинг айблилиги инкор этилмаган ҳолда унга нисбатан тайинланган жазони енгиллатиш масаласи қўйилган.

Жиноят процессуал кодексининг 51-моддаси биринчи қисми биринчи бандида вояга етмаганларнинг иши бўйича ҳимоячи иштирок этиши шартлиги белгиланган.

Жиноят процессуал кодексининг 419-моддаси 2-бандида суриштирувчи ёки терговчи томонидан ушбу Кодекс талаблари жиддий бузилган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилса, суд жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “**Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида**”ги қарорининг 13-бандида қонунга мувофиқ, иш бўйича Жиноят процессуал кодекси 51-моддасида кўрсатилган ҳоллар мавжуд бўлганда, унда ҳимоячининг иштироки шарт эканлиги белгиланган бўлиб, бу талабга риоя этмаслик жиноят процессуал қонуни нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланиши назарда тутилган.

Бироқ, иш бўйича Қонуннинг ушбу талаблари ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш ҳужжатларига караганда дастлабки тергов даврида Э.нинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳимоячи О. ордер тақдим қилиб ишда қатнашиб келган.

2009 йил 22 ноябрь кунги гувоҳ Ш. ва айбланувчи Э. ўртасидаги юзлаштириш баённомасида ҳимоячи О. иштирок этганлиги кўрсатилган.

Ишни назорат тартибида ўрганиш жараёнида Э.нинг онаси Р. вилоят адвокатлар палатасига мурожаат қилиб, унда дастлабки тергов жараёнида ўғлининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги, гарчи ўзи ўғлининг қонуний вакили деб топилган бўлсада, терговда қатнашмаганлиги, ҳимоячи ҳам айрим

тергов ҳаракатларида қатнашмаганлиги ҳақида важлар келтириб, бу ҳолат юзасидан текшириш ўтказилганлиги аниқланди.

Текшириш натижасида дастлабки тергов жараёнида айбланувчи Э. билан гувоҳ Ш. ўртасида ўтказилган юзлаштиришда адвокат О. қатнашмаганлиги, унинг имзоси қалбакилаштирилганлиги аниқланган.

Бу ҳолат туман прокуратураси томонидан текширилганда, ҳимоячи О. имзоси қалбакилаштирилганлиги суд хатшунослик экспертизаси хулосаси билан ўз исботини топган.

Дастлабки тергов даврида Э.нинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги сабабли унга нисбатан чиқарилган суд қарорларини қонуний деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 29 сентябрдаги ажрими билан Э.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди, ҳамда туман прокурори ва ИИБ ТБ бошлиғига нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

Назорат иши ЖСҲ-260-11